

## **Қиёслашни ташкил қилиш ва ўтказиш тартиби. Ўлчов воситаларини қиёслаш усуллари ишлаб чиқиш ва уларга бўлган талаблар.**

### **Режа:**

1. Ўлчаш воситаларини қиёслаш ва унинг турлари.
2. Ўлчаш воситаларини қиёслаш ходимлари.
3. Қиёслаш ҳақида умумий тушунча.
4. Қиёслаш турлари ва уларни ўтказиш тартиби.
5. Қиёслашни ўтказишни ташкил қилиш.

### **1. Ўлчаш воситаларини қиёслаш ва унинг турлари.**

О'з РН 51-120:2002 - ушбу ҳужжатда қуйидаги атамалар ва уларга мувофиқ таърифлари қўланилган:

1 Ўлчаш воситаларини қиёслаш (қиёслаш) - давлат метрологик хизмати идораларининг (бошқа шу учун тўла ҳуқуқига эга идораларининг, ташкилотларнинг) ўлчаш воситаларининг белгиланган техник талабларга мувофиқлигини аниқлаш ва тасдиқлаш мақсадида бажариладиган операциялар тўплами.

2 Ўлчаш воситаларини қиёсловчиси (қиёсловчи) - ўлчаш воситаларини қиёслаш ҳуқуқи учун аккредитланган ушбу ҳужжат талабларига мувофиқ қиёсловчи мақоми берилиб аттестциядан ўтган ҳамда ўлчаш воситаларини қиёслашни бевосита амалга оширувчи давлат метрологик хизматининг ёки бошқа юридик шахснинг расмий ходими.

3 Ўлчаш воситаларини қиёсловчиларини аттестлаш - қиёсловчини мақомига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида ходимнинг малака даражасини, касбий, ишчанлик ва шахсий қобилиятларини баҳолаш.

Давлат текшируви ва назорати соҳасида фойдаланиладиган, қиёсланиши лозим бўлган ЎВнинг рўйхати Ўзстандарт Агентлиги томонидан тасдиқланади.

ЎВ ни Давлат қиёслашини давлат метрологик хизмати идоралари ўтказди, лекин ЎВ ни қиёслаш ҳуқуқи юридик шахсларнинг аккредитланган метрологик хизматларига ҳам топширилиши мумкин.

Бошқа давлатларда бажарилган ЎВ ни қиёслаш натижалари халқаро шартномалар ва битимлар асосида тан олинади.

Эксплуатацияда турган, ишлаб чиқарилган, таъминланган ва импорт бўйича сотиб олинadиган ЎВ ни қиёслашни ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича асосий низомлар O'z DSt 8.003:2005 “Ўз ЎДТ. Ўлчаш воситаларини қиёслаш. Асосий низомлар” да баён этилган.

Эксплуатацияда турган, ишлаб чиқарилган, таъминланган ва импорт бўйича сотиб олинadиган барча ЎВ давлат қиёслашидан ўтиши лозим.

ЎВларни қиёслаш турлари қуйидагилардан иборат: бирламчи, даврий, навбатдан ташқари, инспекцион ва эксперт қиёслашдан ўтказилади.

Ишлаб чиқаришдан ёки таъмирлашдан чиққан ва импорт бўйича келтириладиган ЎВ бирламчи қиёслашдан ўтказилади. ЎВ нинг ҳар бир нусҳаси бирламчи қиёслашдан ўтказилади. ЎВ ялпи ишлаб чиқарилганда танлаб қиёслаш руҳсат этилади. Танлаб бирламчи қиёслаш қоидалари, ўтказиш тартиби бу ЎВ ни қиёслаш методикасида кўрсатилади.

Эксплуатацияда турган ёки оператив сақланаётган ЎВ қиёслашлараро оралиқ вақтлардан кейин даврий қиёслашдан ўтказилади. Даврий қиёслаш вақти ўлчаш воситасининг бу давр ичида яроқлилигини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда аниқланади ва белгиланади.

Даврий қиёслашлар ўртасидаги вақт давлат қиёслашига тақдим этилган ўлчаш воситасига давлат метрологик хизмати идоралари томонидан белгиланади.

Давлат даврий қиёслаши намунавий ва ишчи ЎВ ни қиёслаш графиклари (шартномалари)да белгиланган календар муддатларда ўтказилади.

Эксплуатацияда турган ва сақланаётган ЎВ учун навбатдан ташқари қиёслаш қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

– қиёслашлараро даврнинг ярим вақти ўтгандан кейин ўлчаш воситасидан бутловчи сифатида фойдаланилганда;

– қиёслаш тамғаси, пломбаси, шикастланганда ёки ЎВ нинг бирламчи ёки даврий қиёслашдан ўтганлигини тасдиқловчи хужжатлар йўқолганда;

– агар қиёслаш тамғасининг ёки ўлчаш воситасининг қўлланишга яроқлилигини тасдиқловчи хужжатнинг амал қилиниш муддати тугаган бўлса, сақлашдан олиниб эксплуатацияга киритишда;

– қиёслашлараро вақт ичида харидга чиқарилмаган ЎВ ни тайёрловчи корхона истеъмолчига етказиб беришда.

Ўлчаш воситасининг ҳолати ва қўлланилишини давлат назоратидан ва маҳкама текширувидан ўтказишда ЎВ нинг қўлланишга яроқли эканлигини аниқлаш учун инспекцион қиёслаш ўтказилади. ЎВ ни инспекцион қиёслаш натижалари давлат ёки маҳкама текшируви далолатномасида акс эттирилади.

Давлат қиёслашидан мажбурий равишда ўтказиладиган воситалар:

а) давлат метрологик хизматларининг ва тадбиркорлик субъектларининг намунавий ўлчаш воситалари;

б) ўзининг бевосита вазифасига мувофиқ намунавий ЎВ сифатида ёки тайёрлашга буюртнома шартлари бўйича ишлаб чиқарилган ЎВ;

в) нурланишни ионловчи ва таркибида нурланишни ионловчи манба бор бўлган ЎВ;

г) приборларни таъмирловчи хўжалик юритувчи субъектлари чиқарган, таъмирдан кейин бошқа хўжалик юритувчи субъектларга бериш учун мўлжалланган ЎВ;

д) миллий ва халқаро спорт рекордларини қайд қилиш билан боғлиқ ўлчаш воситалари;

е) давлат арбитраж идоралари томонидан экспертиза ўтказишда, шунингдек божхона текширувида ўлчашлар учун қўлланиладиган ЎВ;

к) ўлчаш учун ишчи ЎВ сифатида қўлланиладиган, ўлчаш натижалари: табиатни муҳофазалаш;

соғлиқни сақлаш;

меҳнат хавфсизлигини таъминлаш;  
барча турдаги транспортнинг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш;  
ишлаб чиқариш ва технологик жараёнларнинг хавфсизлигини таъминлаш;алоқа тизимларини таъминлаш;  
хўжаликлараро ўзаро ҳисоблашлар; савдонинг барча турлари;  
аҳолига пулли хизматларнинг барча турлари учун қўлланиладиган ЎВ.

## **2. Ўлчаш воситаларини қиёслаш ходимлари.**

Ўлчаш воситаларини қиёслаш давлат ёки маҳкама қиёсловчиси малакаси берилганлиги тўғрисида амалдаги гувоҳномаси бор шахслар томонидан бажарилади.

Метрологик хизмат ходими ўлчашларнинг бир ёки кўпроқ соҳасига тааллуқли ўлчаш воситаларини аниқ турларини қиёсловчиси сифатида ёки ўлчашларнинг аниқ соҳасига тааллуқли ўлчаш воситаларини қиёсловчиси сифатида аттестатланади.

Давлат метрологик хизмати идорасини ходими ўлчашларнинг аниқ соҳасида ўлчаш воситаларини қиёсловчиси сифатида ёки иккита ёндош соҳаларда қиёслаш учун ходимга давлат қиёсловчиси мақоми бериладиган тури кўрсатилган ўлчаш воситаларини қиёсловчиси сифатида аттестатланиши мумкин.

Ўлчаш воситаларини қиёслаш бўйича иш стажи 10 йилдан кам бўлмаган давлат метрологик хизмат ходими аттестатлаш комиссиясининг қорори бўйича қиёслаш учун давлат қиёсловчиси мақоми бериладиган ўлчаш воситаларини турлари кўрсатилган ҳолда учтадан кўп бўлмаган соҳаларда қиёсловчи сифатида аттестатланиши мумкин.

Ўлчаш воситаларини қиёслаш ҳуқуқи учун аккредитланган юридик шахснинг метрологик хизматни ходими, ўлчашнинг фақат битта соҳасига қарашли ўлчаш воситаларининг аниқ турларини қиёсловчиси сифатида аттестатланиши мумкин.

Ўлчаш воситаларини қиёслаш бўйича иш стажи беш йилдан кам бўлмаган, ўлчаш воситаларини қиёслаш ҳуқуқига аккредитланган ЎзР МВ метрологик хизмат ходимига аттестатлаш комиссиясининг қарори билан турлари кўрсатилган ўтчаш воситаларини қиёсловчиси мақоми бериладиган ўлчашларнинг иккитадан кўп бўлмаган ёндош соҳаларида қиёсловчи сифатида аттестатланиши мумкин.

4.6 Дастлабки ва даврий аттестатлаш белгиланади.

4.7 Ўз РХ 51-008 га мувофиқ маълум ўлчаш соҳасидаги ўлчаш воситаларини қиёслаш бўйича махсус тайёргарлигига эга бўлган, ушбу ўлчаш соҳасига тегишли бўлган қиёслаш бўлинма-ларида камида бир йиллик амалий иш стажига эга бўлган шахслар дастлабки аттестатлашга қўйилади.

4.8 Аттестатлаш комиссияси қарорига биноан, метрология ва ўлчаш техникаси соҳасига иқтисослашган олий ўқув юртини тамомлаган ва қиёслаш бўлинмаларида камида олти ой иш тажрибасига эга бўлган шахслар, махсус тайёргарлик олмасдан дастлабки аттестатлашга қўйилиши мумкин.

4.9 Даврий аттестлаш камида беш йилда бир маротаба ўтказилади.

Аттестатлаш даврийлигини:

- давлат метрологик хизматининг ходимлари учун - Ўздав-стандарт раҳбари;

- ўлчаш воситаларини қиёслаш ҳуқуқи учун аккредитланган метрологик хизматнинг ходимлари учун - мазкур ҳужжатнинг 4.3-банди бўйича қиёсловчларни аттестатлашини ўтказаетган юридик шахс раҳбари белгилайди.

4.10 Ўз РХ 51-008 талабларига мувофиқ муайян ўлчаш соҳасига тегишли ўлчаш воситаларини қиёслаш бўйича махсус қайта тайёргарликдан ўтган шахслар даврий аттестатланишига қўйилади.

4.11 Қиёсловчи сифатида аттестатланган шахслар, ўлчаш воситаларини қиёслаш бўйича меъёрий ҳужжат талабларини бузган ҳолда, шу жумладан қиёслаш тамғаларини қўллаш ва сақлаш бўйича Ўз РХ 51-008 талабларини ёки қиёсловчи мақомига нолайиқ ҳаракатлар қилганида ўлчаш воситаларини қиёслаш ҳуқуқидан маҳрум этилади.

Кўрсатилган шахсларнинг ўлчаш воситаларини қиёслаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун, давлат метрологик хизмати идораси бошлиғи ёки юридик шахснинг буйруғи асос бўлади.

Метрологик хизмат ходимлари, мазкур ҳужжат белгиланган тартибда қиёсловчи сифатида аттестатлангандан сўнг ўлчаш воситаларини қиёслашини ўтказишга рухсат берилади.

Қиёсловчиларни аттестатлашни давлат метрологик хизмати идораси ўтказди.

Асосланган ҳолларда Ўздавстандарт билан келишилган ҳолада O'z DSt 8.006 талабларига мувофиқ, ўлчаш воситаларини қиёслаш ҳуқуқи учун аккредитланган юридик шахсларни айрим метрологик хизматларига мазкур ҳужжат билан белгиланган тартибда, қиёсловчиларни аттестатлашга рухсат берилади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги (ЎЗР МВ) қиёсловчиларини аттестатлаш O'z DSt 8.006 талабларига мувофиқ, ўлчаш воситаларини қиёслаш ҳуқуқи учун аккредитланган ЎЗР МВ метрологик хизмати томонидан мазкур ҳужжат билан белгиланган тартибда ўтказилади.

Аттестатлаш натижалари бўйича ўлчаш воситаларини қиёслашини ўтказишга рухсат берилган метрологик хизмат ходимларига:

- давлат метрологик хизмати идораларининг аккредитланган бўлинмалари ходимларига - давлат қиёсловчиси;
- ўлчаш воситаларини қиёслаш ҳуқуқига аккредитланган юридик шахснинг метрологик хизмат ходимларига - қиёсловчи мақоми берилади.

### **3. Қиёслаш ҳақида умумий тушунча**

Ўлчаш воситаларини қиёслаш ишларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби ЎЗДСТ 8.003:2005 «Ўлчаш воситаларини қиёслаш. Асосий қоидалар» стандарти билан белгиланган. Ўлчаш воситаларини қиёслаш - Ўлчаш воситаларини белгиланган техникавий талабларга мослигини аниқлаш ва

тасдиқлаш мақсадида давлат метрологик хизмати идораси ёки бошқа ваколатли ташкилотлар томонидан бажариладиган амаллар мажмуи.

Ишлаб чиқарилган, таъмирланган, импорт буйича олиб келинган ЎзДСТ 8.002 га биноан давлат метрологик текшируви ва назорати доирасида қўлланиладиган ЎВ эксплуатация жараёнида мажбурий даврий қиёслашдан ўтиши керак.

Ўқитиш мақсадида қўлланиладиган ЎВлар ва индикатор сифатида ишлатиладиган (катталикларни ўзгаришларини кузатиш учун қўлланиладиган техник воситалар) қиёсланмайди.

Қиёсланган ўлчаш воситаси, агар унинг белгиланган метрологик ҳамда маълум техник талабларга мувофиқлиги тасдиқланса, қиёслашлар оралик давомида қўллаш учун яроқли деб ҳисобланади.

ЎВ қиёслашни ЎзДСТ 8.006 га мувофиқ шундай ишларни бажаришга ҳақли аккредитлаштирилган юридик шахслар ёки уларнинг бўлинмалари ўтказди.

ЎВ қиёслаш зарур малакага эга бўлган, ЎВ ни муайян хилларини қиёслаш ҳуқуқига аттестатланган мутахассислар (қиёсловчилар) томонидан бажарилади.

Қиёслашнинг ижобий натижалари амалдаги стандартлар талабига мувофиқ расмийлаштирилади ва ЎзДСТ 8.008 буйича қиёслаш тамғасини босиб ва (ёки) ЎзДСТ 8.003:2005 нинг А иловасига мувофиқ қиёсланганлиги тўғрисидаги сертификат билан тасдиқланади. Тамға ЎВга ёки маҳкамлаш пломбасига ва ЎВ дан фойдаланиш ҳужжатларига босилади.

Агар ЎВ қиёслаш натижалари буйича ишга яроқсиз деб тан олинган бўлса, қиёслаш тамғасининг изи махсус тамға билан йўқотилади ва фойдаланиш ҳужжатида тегишли ёзув қайд қилинади, қиёслаш ҳақидаги амалдаги сертификат бекор қилинади ва ЎВ ишга яроқсиз эканлиги тўғрисида ЎзДСТ 8.003:2005 нинг В иловага мувофиқ хабарнома берилади.

#### **4. Қиёслаш турлари ва уларни ўтказиш тартиби**

ЎВ хаётий даври мобайнида дастлабки ва қайта қиёслашлардан ўтказилади.

Қайта қиёслаш даврий, навбатдан ташқари, инспекцион ва экспертлик қиёслаш кўринишида ўтказилади.

Дастлабки қиёслаш:

Дастлабки қиёслашдан ишлаб чиқарилаётган ёки чет-елдан олиб кирилаётган ўлчаш воситалари ўтади.

ЎВ нинг барча нусхалари дастлабки қиёслашдан ўтиши лозим.

Агар ЎВ ларни таъмирлаш ёки ростлаш натижасида, уларни метрологик тавсифлари ўзгарган бўлса (пломбалари бузилади), улар дастлабки қиёслашдан ўтиши лозим. Дастлабки қиёслаш одатда ишлаб чиқарувчи корхонада, ёки қиёслашни, ёки таъмирни бажарувчи ташкилотда ўтказилади.

Қайта қиёслаш:

Давлат метрологик текшируви ва назорати жорий этилган доирада кўлланадиган, тасдиқланган турлари ёки метрологик аттестатлашдан ўтиши керак бўлган ЎВ қайта қиёслашдан ўтади.

Бундан ташқари, фойдаланишда бўлган ёки сақланишда бўлган ЎВ қайта қиёслашдан ўтади.

Қайта қиёслашни турларини кўриб чиқамиз:

1) Даврий қиёслашлар ЎВ учун мўлжалланган ҳужжатларда белгиланган тартибда доимий ёки ўзгарувчан қиёслашлар оралик билан ўтказилади.

ЎВ ни қиёслашлараро вақт оралиғи (қиёслаш даврийлиги) МИ2187-91 га мувофиқ ЎВ нинг турини тасдиқлашда белгиланади.

Баъзи бир ЎВ ларни метрологик тавсифлари, уларнинг конструктив ёки ўзига хос хусусиятлари туфайли барқарор бўлиб қолади (масалан, линейка ёки ўлчамли шиша идиши). Бундай ЎВ лар даврий қиёслашдан ўтказилмайди.

2) Навбатдан ташқари қиёслаш - истеъмолчининг талабига кўра қиёслашлараро вақт оралиғи тугагунга қадар қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

- қиёслашлараро ораликқа тузатиш киритиш зарур бўлганда;
- ЎВ нинг ишлатишга яроқлилигини тасдиқлаш зарур бўлган ҳолларда;

- қиёслаш тамғаси шикастланганда ёки ЎВ ларининг даврий ёки дастлабки қиёслашдан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар йўқолганда;

- узоқ муддат сақлангандан кейин, омбордан олинган ва транспорт воситасида ташилганда ёки охириги қиёслашдан кейин қиёслашлараро оралик вақтнинг яримидан кўпи ўтиб кетган, ЎВ дан фойдаланишдан олдин.

3) Инспекцион қиёслаш. Давлат метрологик назорати олиб борилаётганда Давлат метрологик хизматининг қарори билан инспекцион қиёслаш ўтказилади. Инспекцион қиёслаш ЎВ эгаси вакили иштирокида амалга оширилади, қиёслаш натижалари эса ихтиёрий шаклда тузилган далолатномада баён этилади.

4) Эксперт қиёслаш. эксперт қиёслаш ЎВ нинг метрологик тавсифлари, созлиги ёки ишлатишга яроқлилиги бўйича юзага келган мунозарали саволлар келиб чиққанда ўтказилади. ЎВ ни эксперт қиёслаш суд, прокуратура, давлат арбитражи, хокимият идоралари, шунингдек юридик ёки жисмоний шахслар томонидан берилган ёзма талабларга асосан ўтказилади. Талабномада (аризада), эксперт қиёслашнинг мақсади ва унинг сабабини аниқ кўрсатиши керак. ЎВ ни эксперт қиёслаш амалга оширилаётган вақтда аризачи, шунингдек манфаатдор томонлар вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Қайта қиёслаш ЎВ ни қиёслаш учун ҳуқуқлари аккредитланган юридик шахсларнинг стационар ёки кўчма лабораторияларида ўтказилади.

ЎВ ни қиёслаш стандартлари талаблари билан (жумладан, ЎзРХ 51-025) мувофиқлашган услубиятлар бўйича ўтказилади. Қиёслаш натижалари баённомаларда ёки қиёслашни тегишли услубиятларда белгиланадиган шакли ва тўлдириш қоидалари бошқа ҳужжатларда қайд қилинади.

## **5. Қиёслашни ўтказишни ташкил қилиш**

ЎВ ни қиёслаш қуйидаги жойларда:

- стационар қиёслаш лабораторияларида;
- кўчма қиёслаш лабораторияларида;

- ЎВ бевосита жойлашган жойларда, қиёсловчиларни командировкага жунатиш юллари билан;

- ЎВ эгаларининг текшириш-қиёслаш пунктларида утказилади. Агар ЎВ ни қиёслаш уларнинг ишлаб чиқариш, кўтарасига сақлаш (импорт ЎВ учун), фойдаланиш ёки таъмирлаш жойларида ўтказилса ЎВ нинг эгаси қиёслашни ўтказиш учун керакли жой (хона), ёрдамчи ходимлар билан таъминлайди, қиёсловчиларга тегишли қиёслаш мосламалари ва ёрдамчи воситаларни унинг тамғаси остида керакли ҳолларда сақлашни таъминлайди.

ЎВ нинг қиёслашда бўлиш вақти 15 кундан ошмалиги керак. Қиёслаш тегишли шартномаларда қайд этилиши мумкин.